

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни қатор хорижий мамлакатларнинг етакчилари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатлар чоғида хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда янги муваффақиятлар тиладилар. Шунингдек, мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этдилар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқотда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларининг ўсиш суръатини сақлаб қолиш, етакчи корхона ва компанияларнинг sanoat, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишлардаги кооперация лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат ҳудудларининг самарали ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Барча йўналишларда Ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ошмоқда. Металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, логистика, қурилиш ва бошқа устувор йўналишларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Халқаро sanoat кооперацияси марказини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Жорий йилда қатор маданий-гуманитар тадбирлар, жумладан, ёшлар, туризм ва таълим форумлари ўтказилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан суҳбатда Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортмоқда, sanoat кооперацияси лойиҳалари, шу жумладан, Қўшма фонд доирасида амалга оширилмоқда. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ва Қамбарота ГЭСини қуриш каби йирик минтақавий инфраструктуралар лойиҳалар бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Президентлар бўлажак олий даражадаги икки ҳамда кўп томонлама тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали

мулоқотда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, энг аввало, олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бораётгани, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шу жумладан, қўшма инвестиция компанияси орқали кооперация лойиҳалари илгари сурилаётгани таъкидланди. Чегара олди савдо марказларини очиш устида иш олиб боришмоқда. Самарқанд ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди. Муҳим маданий дастурлар амалга оширилмоқда.

Етақчилар минтақавий кун тартибидagi масалаларни, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўришни ҳам муҳокама қилдилар.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берdimухамедов билан суҳбатда жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш жадал ортиб, корхоналар ва ишбилармонлар даражасида кооперация алоқалари чуқурлашиб бораётгани, фаол маданий-гуманитар алмашинув давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан Ўзбекистон Президентининг шу ой бошида Озарбайжонга амалга оширган тарихий давлат ташрифининг самарали натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Етақчиларнинг бўлиб ўтган учрашувлари ва Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йилгилиши якунида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон — Озарбайжон иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 30 фоизга ошди. Sanoat зонаси ва логистика компаниясини ташкил этишни ўз ичига олган истиқболли кооперация лойиҳалари портфелини шакллантириш устида иш олиб боришмоқда. Нефть-газ соҳасидаги стратегик лойиҳа бўйича Махсулот тақсимотида оид битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида йирик қўшма тадбирларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Беларусь Президентининг

ўтган йил февраль ойидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни қабул қилинган “Йўл харитаси” асосида амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги фаол ва сермахсул мулоқотлар, шу жумладан, яқинда Минск шаҳрида ўтган Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йилгилиши ва Тошкент шаҳрида ўтган ташқи ишлар вазирлари учрашувининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 28 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Биргаликда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари бўлажак икки томонлама тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатлараро ҳамкорликда юксак даражага эришилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Турли даражаларда самарали мулоқотлар давом этмоқда, товар ва юк айирбошлаш, инвестиция кўрсаткичлари ўсмоқда, қўшма корхоналар сони ва авиақатновлар кўпаймоқда. Маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари телефон орқали мулоқотда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг бўлажак навбатдаги йилгилишига пухта тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён билан суҳбатда Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Тарихий дўстлик ришталари, ўхшаш менталитет, анъана ва қадриятларга асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва қўшма корхоналар сони барқарор ошиб бормоқда. Корея компания ва ташкилотларининг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Корея Эскимбанки билан самарали молиявий-техник ҳамкорлик давом этмоқда.

Давлат раҳбарлари икки томонлама шериклиكنинг янги кун тартибини шакллантириш ва олий даражадаги фаол мулоқотларни давом эттириш муҳим эканини таъкидладилар.

Шу маънода, Ташқи ишлар вазирлари стратегик мулоқоти ва Ҳукуматларо комиссиянинг бўлажак йилгилишларини самарали ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” формати доирасидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурлусух билан жорий йил июнь ойида Мўғулистонга амалга оширилган ташриф доирасида ўтган олий даражадаги икки томонлама учрашувлар якунида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинган “Йўл харитаси”ни амалга ошириш, чорвачилик, савдо, транспорт, sanoat кооперацияси, кончилик соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасида режалаштирилган тадбирларни ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш, жорий йил январь ойида БААга амалга оширилган олий даражадаги ташрифда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Устувор йўналишларда, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация ва транспорт-коммуникация соҳаларида амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми, қўшма инвестиция лойиҳалари портфели, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони ортиб бормоқда. Яқин мулоқотни давом эттириш ва бўлажак олий даражадаги учрашувларга пухта тайёргарлик кўриш муҳим экани таъкидланди.

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев билан суҳбатда Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида мисли кўрилмаган юксак даражага эришилгани, кўп қиррали ҳамкорлик барча устувор йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, шу жумладан, самарали парламентлараро ҳамкорлиқни янада мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш, sanoat кооперацияси, таълим ва маданият соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича фаол ҳамкорлиқни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов билан суҳбат чоғида Ўзбекистон ҳудудларининг Санкт-Петербург шаҳри билан икки томонлама амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш, фаол маданий-гуманитар алмашинувни давом эттиришга қаратилган қўшма чора-тадбирларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таваллуд куни муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, парламентлар, нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий компаниялар раҳбарлари, таниқли жамоат, дин ва спорт арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Хурматли Шавкат Миромонович! Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.	Хурматли Президент жаноблари! Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни изхор этаман!
Сиз халқингиз орасида ва халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлгансиз. Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан ишонч билан илгариларда, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив роль ўйнамоқда.	Яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Хитой — Марказий Осиё” иккинчи саммитида Сиз билан музокаралар ўтказиб, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар қандай шароитда ҳам стратегик шериклик муносабатларини янги даврда ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб олдик.
Сиз шахсан мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақамлашга улкан ҳисса қўшмоқдасиз. Биз, шубҳасиз, Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари фаровонлиги йўлида, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, икки томонлама ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари бўйича биргаликда ишлашда давом этамиз.	Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман ҳамда ўртамизда қарор топган самарали амалий алоқалар ва дўстлиқни юксак қадрлайман. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь саммитида ҳамда Хитой халқининг япон босқинчиларига қарши урушидаги Ғалабаси ва Фашизмга қарши жаҳон урушидаги Ғалабасининг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этаётганингиз муносабати билан Сизни Хитойда қутлашдан мамнунман.
Сизга чин юракдан мустақкам соғлиқ, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.	Сизга мустақкам соғлиқ ва фаровонлик тилайман!
Хурмат билан,	Си Цзиньпин, Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Хурматли Шавкат Миромонович! Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклайман!	Қардош халқларимиз ўртасидаги яқин ва дўстона муносабатлар, шунингдек, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил мустақамлашиб, ривожланиб боришига ишончим комил.
Сизнинг узоқни кўра биладиган қатъий раҳбарлигингиз туғайли Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда сезиларли ўзгаришларга эришди, халқаро майдонда ўз мавқеини салмоқли даражада мустақамлашди.	Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустақкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва порлоқ келажак тилайман.
Сиз бошлаган ислохотлар — давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш,	Чуқур ҳурмат билан,
	Садир ЖАПАРОВ, Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Хурматли Шавкат Миромонович! Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг!	Хурматли Шавкат Миромонович! Таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг!
Сизнинг давлат раҳбари сифатидаги бунёдкорона фаолиятингиз Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши, унинг халқаро нуфузини мустақамлаш ва фуқаролар фаровонлигини юксалтиришнинг ишончли пойдевори бўлди. Оқилона ва узоқни кўра биладиган раҳбарлигингиз остида мамлакат кенг қўламли ислохотлар йўлидан дадил олға бормоқда.	Сизнинг Қозоғистон билан яхши қўшничилик ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни мустақамлашга қатъий интилишингизни чин дилдан қадрлайман. Мамлакатларимиз ўртасида икки қардош халқнинг бой тарихий мероси, муштарак маданий қадриятларига таянган ишончли муносабатлар қарор топган.
Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама ҳамкорликда эришилган ютуқларни янада кўпайтирамиз ҳамда Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги марраларга олиб чиқамиз.	Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама ҳамкорликда эришилган ютуқларни янада кўпайтирамиз ҳамда Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги марраларга олиб чиқамиз.
Ушбу қутлуғ қунда Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустақкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, оилавий бахт-саодат, қардош ўзбек халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар тилайман.	Ушбу қутлуғ қунда Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустақкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат, оилавий бахт-саодат, қардош ўзбек халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар тилайман.
Самимий ҳурмат билан,	Самимий ҳурмат билан,
Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти	Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти
► <i>Давоми 2-бетда</i>	► <i>Давоми 3-бетда</i>

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Туғилган куним муносабати билан чин юракдан муборакбод этиб, ўзларининг самимий қутловлари ва эзгу тилакларини билдирган хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар етакчиларига, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакиллари, юртимиздаги меҳнат жамоалари, маҳаллалар, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари фаолларига, тадбиркорларимизга, мамлакатимиз ва чет эллардаги барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изхор этаман.

Менинг номимга йўлланган ушбу табрик ва тилакларни, аввало, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ва давлатига юксак ҳурмат ва эҳтиром, дунё ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликда амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимизга, ёруғ келажагимизга ишонч ва эътибор ифодаси сифатида қабул қиламан.

Барча ташаббус ва дастурларимизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган мард ва ашқабон халқимизга яна бир бор чин дилдан фарзандлик меҳрим ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Ишончим комил, эл-юртимизнинг улкан яратувчилик меҳнати, азму шижоати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш бўйича ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга албатта етамиз.

Чуқур ҳурмат ва энг эзгу тилаклар билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ХАЛҚПАРВАРЛИК ФЕНОМЕНИ

Янги ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛМОҚДА?

Ҳар бир даврнинг тарих солломасидан ўрин оладиган муҳим воқеалари, ҳулоса ва сабоқлари бўлади. Улғайиш, янгиланиш деб аталмиш жараён гидрокимизни тиниклаштиради, тафаккуримиз уфқларини кенгайтиради. Ҳар субҳи содик янги фикр, янги ният, орзу-умид эшикларини очди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида дунёда, собиқ иттифокда юз берган, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда кечган, онг-шууримизга муҳрланган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янгича ва эскича қарашларнинг аёвсиз тўқнашуви, мустабид тузумнинг парчаланishi, қизил мафкура тамойилларининг таназзули, етмиш йилдан ортиқ вақт дунёнинг катта бир қисмини хоҳиш-иродасига бўйсундириб, фуқароларини қон-қақшатиб, жон-жонини сугуриб келган давлатнинг сиёсий саҳнадан тушишини ўшанда кимлардир тарихнинг кечиб бўлмас ҳатоси сифатида қабул қилгани сир эмас. Аммо тафаккури уйғоқ, эҳни балад, томилларида аждоқлар руҳи сўнмаган қишлар бу воқеаларни магзи пуч ҳар қандай гоънинг умри қисқа экани далолати сифатида дилдан қувониб қабул қилгани ҳам бор гап.

“Йиллар ўтади. Янги Ўзбекистон тарихини ўрганувчилар кўз ўнгиде давлат раҳбарининг фаолиятидаги халқпарварлик феномени, улуг мақсад йўлидаги фидойилиги, халқ билан мулоқот қандай йўлга қўйилгани, янги давр авлодини тарбиялаш каби бир-биридан муҳим вазифалар ижроси қандай амалга оширилгани яққол намоён бўлади. Янги Ўзбекистоннинг кучли моддий ва маънавий салоҳияти уларни, шубҳасиз, руҳлантиради.

ХАЛҚПАРВАРЛИК ФЕНОМЕНИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛМОҚДА?



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Марказий Осиё халқлари мураккаб ва қалтис шароитда ўз мустақиллигини қўлга киритди, иқтисодий исканжа гирдобиде қолган бўлса-да, орқага чекинмай, қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб, миллий ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Ўзбекистоннинг бу йўлда эришган оламшумул ютуқлари бугун нафақат минтақада, дунё миқёсиде ҳам расман эътироф этилмоқда.

Мана, ўттиз тўрт йилдирки, эмин-эркин, ҳақ-ҳуқуқимизни таниб, дунё кенгликлариға интилиб яшамоқдамиз. Биз дунёға, дунё бизға бағрини очмоқда. Истиқлолга тенгдош фарзандлар янги давр, янги жамият бағрида вояға етди, ёнимизға кирди, миллатнинг янги замон фарзандлари, янгича фикрлайдиган раҳбарларига айланди. Бу ўзгаришлар бир қарашда эътиборға молик воқеа эмасдай туюлади. “Аваллари ҳам шундай бўлган-ку, туғилиш, вояға етишнинг нимаси янгилик”, дейишлари мумкин. Аммо бу — тор қобили фикр. Киндик қони тўқилган озод ватанда туғилиб, қон томирларида сўнмаган миллий ҳаёт тарзи, ўз қарашларинг билан вояға етиш бошқа! Бу — буюк бахт, илоҳий неъмат.

Ўз отини миниб, ўзи танлаган йўлдан юрган фикри тиник, борар манзили аниқ одам ҳеч қачон адашмайди. Ўзбекистон миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиғида буюк келажак сари мураккаб сафарға отланар экан, мана шу сифатларни ўзида жам қилгани учун ҳам ниятиға етди. Бизни чалғитмоқчи бўлганларнинг ўзи чалғиди. Бизға қараб мийғида кулганларнинг ўзи бугун кулги остида қолди.

Ўтган давр ичиде мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий-маърифий асослари мустаҳкамланди, янги авлод тарбияси йўлга қўйилди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик мамлакат миқёсиде қўлчоқ ёзди. Жамиятда янги мулкдорлар синфи шаклланди, хусусий мулкка, мулкдорларға муносабат ўзгарди. Диний эътиқод учун таъқиб қилишға барҳам берилди. Одамлар ўз меҳнатлари самараларидан тўла баҳраманд бўлиш, даромадларига яраша турмуш кеңириш, зурриётларига мерос қолдириш ҳуқуқиға эға бўлди.

Жамиятнинг бугунги илғор вакиллари сафиға кўз ташлайлик — уларнинг ҳар иккинчиси тадбиркор, ишбилармон, икки-уч тилда бийрон сўзлаша оладиган, ўтмиш аждодлар қолдирган маънавий меросдан бохабар ёшлар. Водийлик, воҳалик деҳқон, боргон, чорвадор ёки қурувчининг ўғли, қизи, набираси бугун дунёнинг манаман деган олийгоҳларида таҳсил олмоқда, илмий изланишда, ўқиш ва ўқишда европалик тенгдошларидан ортда қолаётгани йўқ. Бундан уч минг

йил аввал яратилган “Қалила ва Димна” асарида ҳам “Ёшлар тарбияси бузилиб кетяпти, бу жуда хавотирли” деган ҳадик бор. Хато жойи йўқ бу гапнинг. Аммо биз, катта авлод вакиллари ҳеч иккиланмай бугунги ёшлардан ўрганишимиз, улардан ибрат олишимиз ҳам керак. Ёш мутахассислардан, истеъдодли йигит-қизлардан замонавий тушунчаларни сўраш, тушуниб олиш айб бўлмай қолди. Ушбу мақолани ёзаётганимда, нима бўлди-ю, компьютер айнаиди. Набирам керакли тутмачаларини босиб, тўғрилаб берар экан, менға майин жилмайиб қаради. Унинг бегубор табассу-мида истиқлолимизнинг буюк бўй-бастини кўргандай бўлдим.

Собиқ тузум шароитида шундай бўлиши мумкинмиди?! Ота-боболаримиз: “Қани энди, бир замон келса-ю, қиблага қараб қўлингни дуоға бемалол очсанг, ҳаж ибодатини адо этсанг, ўғил-қизинг-ни имон-эътиқодли қилиб тарбияласанг, ўтмиш аждодларға ётсираб қарамасанг”, дея умид қилди. Таассуфки, бу умидлар умидлигича қолиб кетди. Узоқ йиллар давомида ўзлитимизни идрок этмай яшадик. Собиқ тузум мафкураси бунга йўл бермади.

Қадим замонлардаёқ тан олинган ҳақиқат шуки, қаерда тадбиркорликка рағбат берилса, ўша жой обод бўлади, эл-юртда тинчлик-тотувлик ҳукм суради, дастурхонға фазл киради. Собиқ тузум мана шу оддий ҳақиқатни тушунмади, аниқроғи, тушунини истамади. Қўлигул, ишчан, ҳаракатчан одамларнинг қўл-оёғини боғлаб, тадбиркорлиқни жиноий хатти-ҳаракатға тенглаштирди ва охир-оқибат ўзи таназзулга юз тутди.

Ўзбекистон раҳбарлиғиға келган Шавкат Мирзиёев фаолиятини мамлакатда мавжуд халқ ҳоқимияти фаолиятини

Истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллиғи яқинлашиб келаётган шуқўхли кунларда ҳар бир киши, у қайси соҳада бўлмасин, бу йилларни қандай босиб ўтдик, қандай кураш ва қаршилиқларға дуч келдик, қаерда суствлашдик, туркий қавмлар ўртасидаги минг йиллик меҳр-оқибат ришталари қандай узилди деган саволлар қаршисида ўйланади. Ана шу муаммоларға ечим топиш, ота-боболаримиз бирға босиб ўтган дўстлик, бағрикенглик йўлларини тиклаш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, бу буюк ҳаракатға чинакам бошчилик қилиш осон бўлди дейсизми?! Қатъий ирода, матонатли интилишнинг самараси бу.



қўшниларидан, дунё давлатларидан узилган ҳолда яшай олмаслигини чуқур англаган ҳолда собиқ тузумдан қолган тақиқларни бекор қилиш, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини тиклаш, неча минг йиллардан бери ота-боболаримиз бирға қадам ташлаган йўллардаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, ён қўшниларға ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эски гина-қудуратларни унутиб, асрлар, даврлар синовидан ўтган қон-қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлаш йўлини тўтди. Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижта чиқиш визалари сингари умрини ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқот бошланди. Марказий Осиёнинг қадимий давлати ҳисобланган Ўзбекистонда ҳозир дунёнинг кўп мамлакатлари учун ҳам ибрат намунаси бўла оладиган муҳим иқтисодий ислохотлар амалға оширилмоқда.

Шу ўринда БМТ Бош қотиби Гутерриш жанобларининг Тошкентда айтган қуйидаги эътирофини келтириб ўтиш зарур: “Марказий Осиёға таширфим-ни Ўзбекистондан бошладим. Сабаби оддий. Менинг минтақа келажакиға бўлган барча умидларим сиз, жаноб Президент билан, шунингдек, мамлакатиниғида кейинги йилларда муваффақиятли амалға ошираётган ташаббуслариниғи билан боғлиқ. Биринчи навбатда ислохотларнинг юксак самарасини қайд этишни истардик, биз бунин чинакам тарихий ютуқ деб биламиз. Мамлакатиниғида биринчи марта бундан йигирма йил аввал келганман. Иккинчи марта президентлик фаолиятиға киришган дастлабки пайтиниғида келгандим. Бу гал эса сиз-сиз-сизнинг бошчилиғиниғида амалға оширилаётган хайратланарли ўзгаришларни кўрдим. Сиз яқин ўтмишдан мерос қолган мураккаб муаммоларни ҳал қилишиниғиға тўғри келди. Шунга қарамай, энди Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш, манфаатларини таъминлаш каби қатъий ривожланиш йўлидан оғишмай бормоқда. Мен авваллари БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари сифатида Марказий Осиёға таширф буюрганимда, шунини айтишим зарурки, ушбу минтақа давлатлари ўртасида бирор масалада ўзаро яқинлик бўлмаган. Қайси давлатға келсам, фақат қўшнилари танқид қилишларини эшитардим, холос. Эндиги ҳақиқат шуки, жаноб Президент, сизнинг

шарофатиниғи билан вазият тубдан ўзгарди. Сиз минтақада давлат раҳбарлари даражасида ҳақиқий ҳамкорлик ва ишонч руҳини яратишға эришдиниғи”. Сиёсий кузатувчилар Шавкат Мирзиёевни ўз юртини дунёға янада кўпроқ ва самаралироқ очилишини кўзлаётган, халқимиз бахти ва саодатини

кўришни ўзининг бош мақсади деб билган, миллий тараққиётни миллий юксалиш даражасиға кўтариш учун астойдил бел болаган, бу мақсадларға эришиш йўлида ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъийат ва матонатли ўзбек етакчиси сифатида бир вақтлар Хитой иқтисодиётини мислсиз юксалишқа олиб чиққан Дэн Сяо Пинга қиёслашди. Бу эътироф бежиз эмас. Дэн муаллим дунё иқтисодиётниға доир муҳим даражасида, илмий-амалий қўлланмалардан ўрин олган “Очиқ эшиклар сиёсати”ни йўлга қўйгани билан машҳур бўлган раҳбардир. У турли сабабларға бўлган мамлакатдан чиқиб кетган, хорижда тадбиркорлик қилаётган сармоядор хитойликларға ишонч ва самимийлик билан: “Юртга қайтинглар, биз сизларға янада яхши имконият яратиб берамиз, даромадиниғи ҳуқуқий кафолатланади, унга ҳеч ким кўз тикмайди” деган ўта масъулиятли шioriни ўртаға ташлади ва бу сўзида қатъий турди ҳам. Шу чорлов мамлакат иқтисодиётини оёққа турғизди, одамлар янги давр шабадасини сезди. Япониянинг собиқ бош вазирларидан бири Танака журналистларнинг ер ости бойлиқларини қазиб олишда турли давлатларнинг муайян улуш ҳисобига ҳамкорлиғи нечоғлиқ зарур деган саволи: “Биргалашиб қазиш муҳим эмас, бу бойлик қаерда бўлса ҳам инсонға хизмат қилиши муҳим”, деган эди.

Шу ўринда баъзи кузатувчиларнинг бир “хавотир”иға тўхталиб ўтиш зарур. Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг ночорланиб қолган иқтисодиётини модернизация қилиш йўллари ҳақида ўйлар экан, бу

жараёнда ривожланган давлатлар билан самарали ҳамкорлик қилишдан бошқа натижадор йўл йўқлиғиға ишонч ҳосил қилди, бу заруратни айрим раҳбарлардан кўра аввалроқ англади, дунёвий тажрибаға таяниб, ён қўшнилари билан муҳим алоқаларни йўлга қўйди. Марказий Осиё ва Кавказ институтининг “Ипак йўли” дастури директори Сванте Корнелл ўзбеклар бағрикенглик билан дунё учун, ёндош қўшнилари учун очилаётгани, янги Президент юритаётган ташқи сиёсат бу жиҳатдан “ёқимли ва хайратланарли” эканини қайд этгани ёдимизда. Бу очиклик мамлакатимизға жуда катта миқдорда инвестиция олиб келмоқда.

Яна бир хавотир — баъзи мутахассислар Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ошиб бораётганини ургулайди. Аслида, иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар ҳам қарз кўтарарди. Гап уни нимаға, қандай мақсадни кўзлаб ишлатишда. Масалан, АҚШнинг жорий йил учун давлат қарзи (ички ва ташқи қарз) 36 триллион 386 миллиард долларға тенг. Япониянинг 2023 йилги қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 230 фойзини ташкил этади. Шундай бўлса-да, мамлакат иқтисодиётини жиддий муаммо йўқ, аксинча, ўсиш бор.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида давлат қарзларини самарали бошқариш бўйича чора-тадбирлар аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини

таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошиға ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар, 2030 йилға бориб аҳоли жон бошиға тўғри келадиган даромади 4 минг доллардан ошириш, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаториға кириш учун замин яратиш, давлат бюджетни тақчиллигини қисқартириш, 2023 йилдан эътиборан ялпи ички маҳсулотта нисбатан унинг 3 фойзидан, давлат қарзини бошқаришда йиллиға янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард доллардан ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсад қилинган. Демак, хавотирға ўрин йўқ. Қарздан қарзнинг фарқи бор. Олинган қарздан мақсадли, унумли фойдаланиш халқнинг яшаш тарзи ва харид қувватиға ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг жаҳонға интеграциялашувини амалда янги босқичға олиб чиқди. Бугун юрти-мизда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш, базан ғоят мураккаб муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш оддий воқеа бўлиб қолди. Бир мисол. Собиқ тузумдан кейин пайдо бўлган МДХ ташкилотининг саммити дастлабки йигирма беш йилда Ўзбекистонда бирор марта ҳам ўтказилмади. Бу тузилманинг лаббайчи фаоллари пайдо бўлди.

биргаликда муҳокама қилиш оддий воқеа бўлиб қолди. Бир мисол. Собиқ тузумдан кейин пайдо бўлган МДХ ташкилотининг саммити дастлабки йигирма беш йилда Ўзбекистонда бирор марта ҳам ўтказилмади. Бу тузилманинг лаббайчи фаоллари пайдо бўлди. Шавкат Мирзиёев 2020 йилда Ҳамдўстликка раислиқни қабул қилар экан, навбатдаги саммитни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди ва бунга эришди ҳам. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида муносиб нуфузига эға бўлди. Ўзбекистоннинг Туркий тили давлатлар кенгашидаги иштироки, давлатимиз раҳбарининг амалий таклиф ва ташаббуслари бу муҳим ташкилот фаолиятини жонлантирди, десак хато бўлмайди.

Марказий Осиё давлатлари узоқ йиллар давомида собиқ тузумнинг ёпиқлик сиёсати остида қолиб кетди. Бир-бириға ёндош беш мамлакатға ўз имкониятларидан фойдаланиш, дунё ҳамжамиятининг тўлақоли аъзосиға айланиш имконияти берилмади. Шавкат Мирзиёевнинг амалий прагматик сиёсати боис, Ўзбекистонда мутлақо янги ислохотлар тўққини юзаға келди ва бу жараён минтақа ҳамда дунё сиёсатида сезиларли бурилиш ясади, тарихий илдизлири бир қўшни мамлакатларда ҳам ижобий акс садо берди.

Истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллиғи яқинлашиб келаётган шуқўхли кунларда ҳар бир киши, у қайси соҳада бўлмасин, бу йилларни қандай босиб ўтдик, қандай кураш ва қаршилиқларға дуч келдик, қаерда суствлашдик, туркий қавмлар ўртасидаги минг йиллик меҳр-оқибат ришталари қандай узилди деган саволлар қаршисида ўйланади. Ана шу муаммоларға ечим топиш, ота-боболаримиз бирға босиб ўтган дўстлик, бағрикенглик йўлларини тиклаш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, бу буюк ҳаракатға чинакам бошчилик қилиш осон бўлди дейсизми?! Қатъий ирода, матонатли интилишнинг самараси бу. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида, жамият тизимида, одамлар онг-тафаккури, турмуш тарзи, ўзлиқни англаш даражасида юз берган ва муттасил юз бераётган ўзгаришларнинг салмоғи, бугунги илгор дунё даражасида баҳолаганда қанчалар тош босиши, узоқ йиллар биз ўйлаган, ишонган мақсад-муд-даоға нечоғлиқ мослиғи ҳақида ҳолисона мушоаҳада юриштишимиз керак. Бу хусусда узоқ-яқин дўстларимиз, стратегик ҳамкорларимиз, халқаро кузатув ташкилотлари, молия-иқтисод мутахассислари ижобий фикр билдирмоқда, дунё матбуоти ўз сўзини айтаётир, шу билан бирға, бизни узоқдан, узоқроқдан шунчаки, “Қани, кўрайлик-чи”, дея кузатиб турганлар, тор-тиниброқ бўлса-да, ҳавас қиларли ютуқларимизни тани олишға, уларға қизиқиш билдиришға, биз билан манфаатли ҳамкорлик қилишға мажбур бўлаётганлари сир эмас. Қозонда бўлса, чўминча чиқади. Бугун талатўпли дунё диққат-эътибориға тушиш, ишончини қозониш, ўрни келганда, ибрат ва намуна кўрсатиш осон иш эмас. Шундай экан, жамиятда юзаға келаётган, шаклланаётган ижтимоий фикр, ҳар бир кишининг ўз ҳулосаси катта аҳамиятга эға.

Янги Ўзбекистоннинг янги йўли инсон ҳуқуқи ва эркинликларини амалда ҳимоя қилиш, жамиятнинг ҳар бир аъзосиға ўз салоҳиятини ҳеч бир тўсиқсиз намоён этиш, орзу-ниятларининг рўёбини кўриш, захматли меҳнати, изланишлари самараларидан эмин-эркин фойдаланиш, бу ёруғ оламда инсон мақомида яшар экан, ўз ҳаётидан, имон-эътиқодидан, фарзандларининг камолидан бугун рози бўлишини таъминлаш эди. Шу мақсадда собит турибмиз. Орқаға қайтиш йўқ. Мамлакат

Бугуннинг гапи

Тўлқин ака ишга келгач, бир пиёла чой ичиб улгурмай дарвоза тақиллади. Чикиб қараса, маҳалла раиси йўқлаб келибди. — Қани, раис бува, уйга кирамиз. — Йўқ, шошиб турибман. Бир хушхабарни сенга етказайин деб келдим. Биласан, неча йиллардан буён маҳалламиз ички йўлларини асфальт қилиш учун кўп жойларга мурожаат қилдик. Туманимиздаги маҳаллалардан кейин бизга ҳам навбат келиб, қишлоғимиз кўчалари таъмирланадиган бўлди. Бир-икки кунда ишлар бошланади. Маҳалла фаоллари билан ўзларинг бош-кош бўлиб, курувчилардан ҳам ҳол-аҳвол сўраб туринглар.

Навбахор тумани Ҳашман маҳалласида яшовчи Тўлқин Қиличов ҳудуддаги мактабда ўттиз йилдан ортиқ ўқитувчилик қилган. Маҳалланинг фаоли бўлгани учун обрў-хурмати ҳам шунга яраша. Барча масалада маҳалла мутасаддиларига кўмақдос. Маҳалла раиси хушхабарни бежиз биринчилардан бўлиб унга етказмади, сабаби маҳалланинг ички йўллари таъмирланишини сўраб, турли идоралар эшигини кўп мартаба қоқиб борган ҳам шу ўқитувчи эди.

Бу хабардан кейин Тўлқин ака маҳалладаги ички йўллар равои бўлишини ўйлаб, ич-ичидан манун бўлди. Ахир шу йўллар неча йиллар ишга қатнади. Ёгингарчилик кучли бўлиб, тупроқ кўчалар лой ва бўлмакка айланди. Шундай чоғларда у бошқалар билан сифатли йўлларни қўйишга қўйиш, бирма-бир ўтказиб кўйди. Йўлга шағал тўкилгач, чуқурлар тўлиб, аҳвол бир оз ўнгланганди. Аммо ёзда чанг, қор-ёмғирда лой бўлиб, ноқулайлик туғдирарди. Ниҳоят, бу кўчалар асфальт бўлади. Шуларни ҳаёлидан ўтказган Тўлқин ака ичаётган чойини ҳам унутиб, тезда қўчага отланди. Маҳалла фаолларига хушхабарини етказиб, айрим масалаларни масхасатлашиб олишини кўнглига тугди.

Орадан икки-уч ой вақт ўтгач, Ҳашман маҳалласининг ички йўлларига асфальт ётқириш иши даярли якунланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги

қилинган эди. Шу асосда “Зарафшон тракти” автомобиль йўлининг Ялтирбод ва Қалқонота аҳоли пунктлари ҳудудидан ўтадиган қисмини таъмирлаш ҳамда пиёдалар йўлиги қуриш ишлари олиб борилади, — дейди “Навбахор туман йўллардан фойдаланиш” ДМ мутахассиси Алоуддин Астанқулов. — Туман ҳудудидан ўтган 85-Д 067 автомобиль йўлининг 22 километрини таъмирлаш ва пиёдалар йўлиги қуриш режалаштирилган. Айни вақтда 2 километр 700 метр масофада ишлар бажарилди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳам ички йўллари таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда.

Конимех тумани вилоятнинг Томди, Учқудук туманлари ва Зарафшон шаҳарларини боғлайдиган марказ саналади. Айни вақтда А-379 “Навоий — Учқудук” автомобиль йўлининг туман ҳудудидан ўтган қисмида ҳам кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Ушбу йўлнинг 26-28 километрлари оралиғида таъмирлаш ишлари якунига етказилди, — дейди “Конимех туман йўллардан фойдаланиш” ДМ масъул ходими Акбар Шерматов. — Шунингдек, А-379 “Навоий — Учқудук” автомобиль йўлининг Зафаробод шаҳарчаси ҳудудидан 56-57 километрларида пиёдалар йўлиги қурилди ва 83-90 километрларида эса ишлар давом этмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишлари йўлининг яна бир неча нукталарида амалга оширилиши режалаштирилган. Жараёнда йўлларнинг сифатли таъмирланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Албатта, бугун ҳар қадамда юртимиздаги янгиланиш, ободлик ва тараққиётга гувоҳ бўламиз. Халқимизнинг мазмуни ҳаёт кечириши йўлида қилинаётган барча сўй-ҳаракатлар фақат битта мақсадга — одамларнинг розилигига еришишга қаратилган. Барпо этилаётган янги марказлар, чирой очётган маҳаллалар, қўлайлик ва шароитлар одамларнинг бугунги кундан кўнгли тўқ, фаровон ва осийишта умр кечиришига хизмат қилаётар. Биргина йўлларнинг равонлиги аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва ҳудуд инфратузилмаси ривожланишида

муҳим аҳамият касб этади. Бежиз “Йўли сознинг машаққати оз”, дейилмайдми. Хатирчи туманида ҳам бу борада йирик ҳажмда ишлар олиб бориляпти.

Хатирчи туманига киришданоқ унинг қиёфаси бутунлай ўзгараётганини хис қиласан киши. Йўл таъмирланмоқда, Дамариқ маҳалласида кўп қаватли турар жойлар қад ростлади, соҳил бўйида турли кўнгилочар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди. Туманга Самарқанд вилоятининг Нарпай ва Каттақўрғон туманларидан кириб келиш чегарасида янги кўприк қурилди. Унинг атрофида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Шунингдек, айни вақтда ҳудудга Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан қандайдир Зарафшон дарёсининг икки қирғоғини боғлайдиган кўприк қурилмоқда.

— Ушбу кўприк 1978 йил қурилган ва йиллар давомида таъмирталаб ҳолатга келган эди, — дейди “Ўзйўлқўрик кластери Навоий филиали” давлат муассасаси иш юритувчиси Мўҳсинжон Ағамов. — Янги

РАВОН ЙЎЛЛАР:

АҲОЛИГА ҚУВОНЧ, ИҚТИСОДГА САРМОЯ

дан фойдаланиш” ДМ масъул ходими Акбар Шерматов. — Шунингдек, А-379 “Навоий — Учқудук” автомобиль йўлининг Зафаробод шаҳарчаси ҳудудидан 56-57 километрларида пиёдалар йўлиги қурилди ва 83-90 километрларида эса ишлар давом этмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишлари йўлининг яна бир неча нукталарида амалга оширилиши режалаштирилган. Жараёнда йўлларнинг сифатли таъмирланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Албатта, бугун ҳар қадамда юртимиздаги янгиланиш, ободлик ва тараққиётга гувоҳ бўламиз. Халқимизнинг мазмуни ҳаёт кечириши йўлида қилинаётган барча сўй-ҳаракатлар фақат битта мақсадга — одамларнинг розилигига еришишга қаратилган. Барпо этилаётган янги марказлар, чирой очётган маҳаллалар, қўлайлик ва шароитлар одамларнинг бугунги кундан кўнгли тўқ, фаровон ва осийишта умр кечиришига хизмат қилаётар. Биргина йўлларнинг равонлиги аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва ҳудуд инфратузилмаси ривожланишида

муҳим аҳамият касб этади. Бежиз “Йўли сознинг машаққати оз”, дейилмайдми. Хатирчи туманида ҳам бу борада йирик ҳажмда ишлар олиб бориляпти.

Хатирчи туманига киришданоқ унинг қиёфаси бутунлай ўзгараётганини хис қиласан киши. Йўл таъмирланмоқда, Дамариқ маҳалласида кўп қаватли турар жойлар қад ростлади, соҳил бўйида турли кўнгилочар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди. Туманга Самарқанд вилоятининг Нарпай ва Каттақўрғон туманларидан кириб келиш чегарасида янги кўприк қурилди. Унинг атрофида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Шунингдек, айни вақтда ҳудудга Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан қандайдир Зарафшон дарёсининг икки қирғоғини боғлайдиган кўприк қурилмоқда.

— Ушбу кўприк 1978 йил қурилган ва йиллар давомида таъмирталаб ҳолатга келган эди, — дейди “Ўзйўлқўрик кластери Навоий филиали” давлат муассасаси иш юритувчиси Мўҳсинжон Ағамов. — Янги

қўприк аввалгисидан кўра кенг бўлади ва узунлиги 129 метрни ташкил этади. Шунингдек, икки томонлама пиёдалар ўтиш йўлига ҳам қурилиб, чироқлар билан ёритилади. Қурилиш лойиҳасида сифат даражаси тўлиқ иноватга олинган ва замон талабига мос равишда мустақкам қуриладиган кўприк йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Албатта, йўл инфратузилмаси ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг асосий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу соҳадаги бунёдкорлик нафақат республика ичида транспорт ҳаракатини яхшилаш, шунингдек, минтақавий, халқаро транспорт алоқаларини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл-созлар томонидан ўн минглаб километр йўллар замонавий тарзда қурилди. Шунингдек, йўл ўтказгичлар, кўприклар ва пиёдалар учун ер ости ҳамда ер усти йўллари бунёд этилаётгани аҳолининг узогини яқин қилиш баробарида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилипти.

Навоий вилоятида 2025 йилнинг ўтган даврида барча дастурлар доирасида 510 километр автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 408 километр йўл асфальт ва 102 километри шагал билан қопланди. Шунингдек, вилоятда табиий офат оқибатларини бартараф этиш дастури доирасида 6 та объектда 23 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларининг бажарилиши ҳисобига 19 километр маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Бундан ташқари, вилоятда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини техник соҳ ҳолатда сақлаш бўйича 319 километр йўл таъмирланиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1065 та янги йўл белгилари ўрнатилди ҳамда арқозилари алмаштирилди. Айни вақтда вилоятда белгиланган режа асосида йўллар ва 17 та кўприкни таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда.

Албатта, йўлларнинг таъмирланиши, янгиларининг қурилиши шаҳар ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Равон йўллар, обод манзиллар, манун чехралар, эртасидан эртугумиди баянд қўллар шукронасига ўйунлашмоқда. Асосийси, бу янгиланишларни халқ ўз ҳаётида хис этаётир.

Голиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Илгор хорижий тажрибаларни ҳар соҳага татбиқ этиш бутуннинг бирламчи талабига айланган. Бу борада ёшларнинг имконияти кенгайиб бораётгани диққатга сазовор.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари эса бунда дастуруламал бўляпти. Хусусан, манфаатли лойиҳалар, янгича гоялар муаллифи бўлган ёшларга керакли маблағ давлатимиз томонидан ажратилмоқда. Турли давлатларда стажировка ўтаб келган ёшларнинг айримлари билан суҳбатдан сездикки, бу борадаги инвестициялар ўринли сарфланяпти.

“ЛОАҚАЛ ЙИЛДА БИР БОР КЎЗИНГИЗГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИНГ”

Кейинги йилларда кўз шифокорига мурожаат қиладиган беморлар сони ортиб бораётир. Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказидаги навбатни қўриб, нахотки шунча одамнинг кўзиде муаммо бўлса дея хавотирга тушасиз. Афсуски, шундай. Улар орасида ёш болалар ҳам кўп. Беморларнинг аксарияти ўта кеч мурожаат қилаётган бўлса-да, кўзлари равшан бўлишини жуда-жуда истайдилар. Айнан шунинг учун Ҳиндистонда икки марта тажриба ортини келган Темур Саидовга мурожаат қилувчилар кўп.



У ҳар куни беморлар онгини ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилар экан, лойиҳасини янада ривожлантириб боради. Глоукома бўйича илмий изланишдан тўхтамайди. Тошкент давлат тиббиёт университети офтальмология кафедрасида магистратура тамомлаган бўлса, Иркутск, Москва шаҳарларида малака оширди. 2-3 ҳафтадан кейин Россияда витреоретинал жарроҳлик амалиётига бағишлаб ўтказилган конференцияда иштирок этади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги грантини қўлга киритган Темур Саидов аслида бундай амалиёт ўташни 5-6 йил олдин режалаштирганди. Чунки у ўша пайтда статистик маълумотлар, ўзи ишлайдиган шифохонага мурожаатлар, туман шифохоналарини ўрганишдан, одамлар орасида асосан қандли диабет, кўзнинг ички босими ортиб бораётганига гувоҳ бўлган.

— Энг ачинарлиси, қанча профилактика ишларини олиб бормайлик, беморларимиз ўз вақтида мурожаат қилмайди. Уларнинг онгини ўзгартириш

жуда қийин кечаяпти. Баъзилари ўта кеч келади. Натижада бу жуда муаммолар касаллик — диабетик ретинопатия, яъни кўрликка олиб келади. Бундан ташқари, жуда кўп касалликлар, жароҳатлар борлиги учун беморларнинг асосий қисми кўролмайдиган бўлиб қолади. Шу боис, мазкур соҳани мукаммал ўрганишга ҳаракат қилиш керак. Бизда гавҳар алмаштириш, лазер жарроҳлик амалиётини бошқа-бошқа мутахассислар бажаради. Бу операцияни бажариш учун эса ҳар иккаласини ҳам мукаммал билиш керак. Биринчи операциямизда ҳам гавҳар, ҳам шишасимон тана (витректомия)

алмаштирилди ва лазер амалиёти бажарилди, — дейди суҳбатдошимиз.

Ёш офтальмологнинг айтишича, ушбу амалиётдан ҳамма шифо топавермайди. Бироқ иккала кўзи кўрмайдиган беморлар учун бу иккинчи имконият. Зеро, бир кўзи очилса ҳам бемор ҳаётда ўзини ўзгартириши мумкин. Айни шу нарса Темурга туртки бўлди. Унга Ҳиндистондаги усто-зи доктор Сарвана ҳар бир бемор алоҳида дунё экани, ҳар бирига тахлил билан ёндашиш кераклигини, ҳатто жарроҳлик амалиётисиз даволаш мумкинлигини тушуштириб берди. Темур бу тавсияларга амал қилишга интилади. У ҳар куни беморлар онгини ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилар экан, лойиҳасини янада ривожлантириб боради. Глоукома бўйича илмий изланишдан тўхтамайди. Тошкент давлат тиббиёт университети-нинг офтальмология кафедрасида магистратура тамомлаган бўлса, Иркутск, Москва шаҳарларида малака оширди. 2-3 ҳафтадан кейин Россияда витреоретинал жарроҳлик амалиётига бағишлаб ўтказилган конференцияда иштирок этади. Конференцияда у ўзини қийнаётган айрим саволларга жавоб олиб, беморларнинг иккинчи имкониятини янада мустаҳкамламоқчи. Чунки офтальмологнинг ўзи айтганидек, беморлар операциядан кўриб вақтни ўтказиб юборади ва барибир жарроҳлик охири нажот бўлади. Унинг кўзиде муаммоси борлар, айниқса, ёшларга айтадигани шуки, гаджетлардан фойдаланиш, албатта, кўзга салбий таъсир қиладилар. Лекин махсус гигиенага риоя қилинса, уларнинг таъсири кескин пасаяди. Бунинг учун кўз машқларини бажариш, қоронғида гаджетлардан фойдаланмаслик жойиз. Мутлоани эса масофа сақлаган ва дам олган ҳолатда амалга ошириш керак. Албатта, офтальмолог кўригидан ҳеч бўлма-са 1 йилда бир марта ўтиб туриш лозим. Темур Саидов атрофдагиларга лоақал йилда бир бор кўзингизга ғамхўрлик қилинг, дейишдан толмайди.

ИЧИМЛИК СУВ ТАНҚИСЛИГИ ВА ЭНЕРГИЯ САРФИГА АРЗОН ЕЧИМ

Бугунги кунда ичимлик сув танқислиги дунё миқёсида жиддий муаммога, тўғрироғи, хавфга айланган. Дунё олимлари бунинг устида бош қотиряпти, турли ечимлар таклиф қилиняпти. Жумладан, ушбу масалани ҳал этишда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 2 миллиарддан ортиқ инсон тоза ичимлик сувдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу эса аҳоли сони кескин ўсиши, урбанизация, саноат ривожланиши, шунингдек, иқлим ўзгариши ва глобал иссиқ туфайли қургокчилик, сув бугуналиши каби омиллар натижасида чучук сув манбалари қисқариши билан изоҳланади. Айнан шу муаммолар Фаргона политехника институти доценти Бехзод Абдукаримовнинг илмий изланишларига асосий туртки бўлди. Бехзод бу борада Италия, Туркия ва Хитой каби давлатларда илмий стажировкаларни муваффақиятли ўтади. Ҳозир эса ичимлик сув танқислигини бартараф этиш учун замонавий усуллар билан ечим топишга илмий ҳисса қўшиб келмоқда. Гап шундаки, у кўл



урган мавзу, яъни қуёш энергияси асосида ишловчи хаво иситкич қурилмалари ёрдамида сувни чучуклаштириш ва иссиқ сув олишга мўлжалланган полигенерацион технологияларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Бундай технологияларни, айниқса, ичимлик сув танқис ҳудудларда самарали қўллаш мум-

кин. Шунингдек, улардан фойдаланиш экологик тоза, энергиятежамкор ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Шу боис, қуёш энергиясидан фойдаланиш асосида сув чучуклаштириш технологиясини ривожлантириш ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш аини пайтда ниҳоятда долзарб.

Тадқиқотчининг айтишича, бугунги кунда қуёш энергияси асосида сув чучуклаштиришнинг қатор турлари мавжуд бўлса-да, баъзи технологиялар эскиргани, баъзилари эса иқтисодий жиҳатдан қimmat ва ишлаш самарадорлиги пастлиги илмий таҳлиллар орқали аниқланган. У ишлаб чиқаётган полигенерация тизимининг афзаллиги шундаки, самарадорлиги юқори, иссиқлик энергияси тўлиқ қуёш хаво иситкичлари асосида олинади, иқтисодий жиҳатдан арзон ва узоқ йиллар давомида фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу тизим бир вақтнинг ўзида коммунал хўжаликлар учун ҳам иссиқ сув олиш имкониятини яратди.

Бехзод аини пайтда Фаргона давлат техника университетида докторантура боқсичида ўз илмий изланишларини давом эттирмоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ЎЗУМНИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТ

асосида экстракт олиб, ундан глютенсиз снэк (енгил ҳам бўлувчи маҳсулот) олиш устида бош қотиряпти. Бу турдаги маҳсулотда узум мазаси ва ҳиди мужассам бўлса-да, уни истеъмол қилган беморда глюкоза индекси кескин ошмайди.

Лойиҳа давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ҳудудида узумчилик ва вино саноатини ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлари йқросига монандлиги билан аҳамиятли. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, узумдан чиқа-диган иккиламчи хомашёнинг қадрини ошириб, чиқиндисиз янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қиладилар. Айни пайтда эса узумнинг иккиламчи хомашёси чорва моллари учун ўғит ва витамин сифатида ишлатилади. Баъзи ҳолларда ташлаб юборилади. Бу эса узум таркибидеги

юқори қийматли моддалар йўқолишига олиб келади. Шу муносабат билан иккиламчи узум хомашёсидан комплекс ва оқилона фойдаланиш асосида юқори сифатли, паст калорияли, бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш долзарб миллий иқтисодий вазифадир.

Таҳлиллар иккиламчи узум хомашёсининг юқори сифатли маҳсулот олиш учун истикболли эканини кўрсатади. Хомашё экстракти антиоксидант хусусиятларга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланиши мумкин.

Ҳозирги кунда мазкур лойиҳа устида ишланяпти. Снэқнинг инсон саломатлигига таъсири даражалари лаборатория муҳитида ўрганилмоқда.

Биз фаолияти билан қизиққан ёшларнинг сафдошлари талай. Ўйлаймизки, уларнинг бари яқин келажакда мақоламиз қаҳрамонлари каби Ўзбекистоннинг энг етакчи ёшлари сифатида тилга тушади. Зеро, ҳар бири ўзинга хос долзарб мавзулар устида ишляпти, изланипти. Бизга айнан шундай — шу ватанга, шу халққа наф қилириш йўлида бўлган илгор йигит-қизлар керак.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА НОЁБ ТАЖРИБА БИЛИМЛАРНИ БОЙИТИШ, ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ВА КўНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ФУРСАТИ



Алишер САМАДОВ,
ТДТУ Олмалиқ филиали директори,
техника фанлари доктори, профессор

Долзарб 90 кун

Бугунги кунда юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Ушбу лойиҳа доирасида ёшларни таълим, фан, маданият ва спортга фаол жалб қилиш қаторида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда ўз ўринларини топишига катта кўмак берилмоқда.

Айни ёз фаслида мазкур лойиҳага старт берилгани бежиз эмас. Чунки ёзда мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси ҳам оромгоҳларга қамраб олинмайдилар. Жами ўқувчиларнинг тахминан 20-30 фоизи дам олиш оромгоҳларига боради, ана 15-20 фоиз болалар кўшимча тўғрақ ва машғулотларга жалб қилинади. Аммо кўпчилик ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчилари ёзнинг тўлиқ уч ойини уйда ўтказадилар. Натижада уларда смартфон ва интернетга қарамлик кучаяди. Ота-оналарнинг ишда эканини инобатга олсак, кўп ёшлар кундузи қаровсиз қолади. Бу ҳолат нафақат мактаб ўқувчилари, балки олий таълим муассасалари талабалари орасида ҳам кузатилади. Айримлари ишласа, аксарияти турли ижтимоий тармоқларга боғланган ҳолда телефонга банд бўлиб қолади.

Айнан мана шундай шароитда ёшларга маънавий кўмак бериш, уларни иқидий, таълимий ва касбий фаолиятга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамкорлик. Бугунги кунда барча таълим муассасаларида ёшлар учун фан, спорт ва касб тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалида ҳам “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида бир қатор маънавий-маърифий ва амалий тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, мактаб битирувчилари учун давра суҳбатлари, пайвандлаш тўғрақлари, кўчма лабораториялар ҳамда турли фанлар бўйича семинар-тренинглари ўтказилапти. Битирувчи ёшлар университетдаги замонавий лаборатория ва ўқув хоналари фаолияти

билан яқиндан танишиш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш имконига эга бўлмоқда. Бундай ҳамкорликдаги амалиёт ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни келажакда рақобатбардош кадр сифатида тайёрлашда муҳим қадм бўлиб хизмат қилмоқда.



Шунингдек, дастур доирасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга қаратилган психологик тренинглари ҳам ташкил этилди. Маҳаллар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқибли, учрашувлар уюштирилмоқда. Бу тренингларида стрессни бошқариш, руҳий барқарорлиқни сақлаш ва ҳаётдаги муаммоларни енгиб ўтиш борасида ёшларга аниқ йўл-йўриқлар берилмоқда. Яъни Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалида айни пайтда ёшлар учун инглиз тили ва IT тўғрақлари ишлаб турибди. Маънавий-маърифий тадбирлар, психологик тренинглари, маҳалларда очик мулоқотлар, ёғти спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Саломатлик. Ёз ойларидега жисмоний фаоллиқни ошириш, спортга бўлган қизиқишни кучайтириш учун таълим муассасалари спорт майдонлари ва заллари ёшлар ихтиёрида. ОТМ ва мактаблар ҳамкорлигида ёшларда соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида спортнинг турли йўналишларида мусобақалар ташкил этилмоқда.

Фаоллик. “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ёшлар учун фақат вақт ўтказиш эмас, балки келажак ҳаёти учун зарур кўникмаларни шакллантириш, билимларини бойитиш, ижтимоий фаоллиқни ошириш йўлидаги улкан имкониятдир. Ҳар бир устоз, таълим муассасаси ва маҳалла раиси бу жараёнда фаол иштирок этиши, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқаришда ўз ҳиссасини қўиши бугунги куннинг долзарб вазифасидир.



САЛОМАТЛИГИМИЗНИ АСРАШГА ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Буйрак касалликларига эътиборсизлик буйрак етишмовчилигини келтириб чиқаради. Натижада инсон буйраги секин-аста ишдан чиқиб, қуриш даражасига етиб келади. Бундай ҳолатда эса бемор мунтазам гемодиализ сеанслари билан ҳаёт кечирishi керак бўлади.

Юртимизда кейинги йилларда тиббиёт соҳасидаги ислохотлар сабаб ушбу хасталик билан оғирган беморларга сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланиб бормоқда. Ҳатто ҳудудларда ҳам нефрология ва гемодиализ бўлимлари ташкил этилиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминландилар.

Бу борада Фаргона вилоятида эътирофга молик ишлар қилинди. Масалан, Фаргона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Қирғиш ҳудуди, Бағдод, Езёвон туманларидаги тиббиёт муассасалари гемодиализ аппаратлари билан таъминланиб, беморларга мунтазам муолажалар кўрсатиб келиняпти.

Марғилон шаҳри тиббиёт бирлашмасида бир неча йиллар аввал нефрология ва гемодиализ бўлими ташкил этилган бўлиб, беморлар тўрт сменада гемодиализ сеанслари олаётганди. Тўғри, аввалига бу ерда шароит қоникарли даражада бўлмаган. Гемодиализ аппаратлари эскиргани, таъмирга муҳтожлиги сабаб ушбу муолажаларни олишда муаммолар бор эди. Ўтган йили бўлимнинг замонавий гемодиализ аппаратлари билан таъминланиши муолажа олувчи беморларнинг мушқулини осон қилди. Шинам, ёғур хоналар барча зарур тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган, хизматлар ўз вақтида сифатли кўрсатиб келиняпти.

— Шифонамизда беморлар гемодиализ муолажаларини ўз вақтида ва сифатли олиши учун барча имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қилияпмиз, — дейди мазкур тиббиёт бирлашмасига қарашли нефрология ва

гемодиализ бўлими шифокори, нефролог Ҳакимжон Аббосов. — Аввало, буйрак хасталигини чақилган беморлар назоратга олиниб, уларда турли таҳлиллар ўтказилади, ҳулосасига асосан муолажалар белгиланади. Биз беморлар гемодиализ олиш даражасига етиб келмаслиги учун барча даво чораларини кўраимиз. Бироқ айримлар ўз саломатлигига эътиборсизлиги сабаб буйраги ишдан чиқиб даражасига етгандагина шифокорга мурожаат қиладилар. Натижада уларни гемодиализга улашга мажбур бўламиз. Шу сабаб биз ҳамюртларимизни доимо соғлиғига эътиборли бўлишга қақирамиз.

Буйрақлар ишдан чиққанда гемодиализ уларнинг вазифасини вақтинча бажарадиган тиббий усулдир. Бемор ҳафтасига икки-уч марта шифохонада гемодиализ сеанслари олади. Сеанс тўрт соат давом этади.

Ҳар қандай касалликка эътиборсиз қараш, вақтида олдини олмаслик келгусида хавфли ҳолатларни келтириб чиқаради. Зеро, “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади” деган гап бежиз айтилмаган. Ўз вақтида аниқлаш, тўғри даволаш ва турмуш тарзини назорат қилиш орқали касаллигининг асоратларини енгиллаштириш мумкин. Энг муҳими, ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун масъулиятни ҳис қилиб, профилактикага эътибор қаратиб яшаса, ҳаёти қарогон ва фаровон бўлади.

Фотима МАНСУРОВА,
журналист



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Эртаси кунни дарвоза тақиллади. Остонада маҳалла хотин-қизлар фаоли турарди. “Синглим, ҳолингиздан бир хабар олай деб киргандим, тинчликми?” деди унинг юзидagi ташвишнинг дарров уқиб, Дилноза аввалига сирини очибга истиҳола қилди, аммо Мунира опанинг самимий нигоҳи, меҳрли сўзлари унинг музлаган қалбини эрита бошлади. У ҳамма дардини тўкиб солиб, йиғлаб юборди.

Мунира опа уни шунчаки овуتماди, дардига шерик бўлди. Ўша кунлик “маҳалла еттичилиги”ни бу масаладан хабардор қилди. Икки кундан сўнг ҳоким ёрдамчиси унга мутахассислиги бўйича янги иш таклиф этди. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи ёш оила билан алоҳида суҳбат ўтказиб, уларга бир-бирини тинглашни, тушунишни ўргатди.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас, ўша совуқ ариза йиртиб ташланди. Кечқурун уларнинг хонадонидан Санжарнинг ҳазил-мутойибаси, она ва қизалоқнинг жарангдор кулгиси эшитиларди.

Бу шунчаки эртак эмас. Бу бугунги кунимизда, ён-атрофимизда юз бераётган, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг ҳаётини инъикосидир. Айнан мана шундай сақлаб қолинган оилалар биз танлаган йўлнинг тўғрилигига энг катта далиллардан-дир.

Ҳар бир жамиятнинг гуллаб-яшнаши, келажаги нечоғлиқ порлоқ бўлиши, аввало, ўша жамиятнинг асосий бўлими бўлиши оиланинг мустақамлиги ва фаровонлигига боғлиқ. Оила нафақат икки инсоннинг иттифоқи, балки миллатнинг маънавий ва жисмоний соғломлигини таъминловчи, аёналар ва қадриятларни авлоддан авлодга етказувчи муқаддас даргоҳ. Асрлар давомида халқимиз учун оила муқаддаслиги энг олий қадрият бўлиб келган. Ота-онага ҳурмат, фарзандларга меҳр, ака-укага оқибат ришталари миллатимизнинг маънавий имунитетини шакллантирган. Бироқ ўзгараётган дунё, глобаллашув жараёнилари, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар оила институтини олдиға ҳам янги вазифалар ва афсуски, янги таҳдидларни қўяётди. Бундай шароитда оилани шунчаки эъзозлаш эмас, балки уни ҳар томонлама, тизимли ва манзилли равишда қўллаб-қувватлайдиган, муаммоларини амалий ҳал қиладиган механизмларга эҳтиёж туғилди.

Ислохотларнинг дастлабки кунлариданоқ белгилаб берилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган устувор тамойил ижтимоий соҳада, айниқса, оилани қўллаб-қувватлаш сиёсатида туб бурилиш ясади. Илгари ижтимоий ёрдам кўпинча умумий, юзакли характерга эга бўлиб, муаммонинг оқибатларини билангина курашилган бўлса, энди асосий эътибор муаммонинг илдизини топиш ва уни бартараф этишга қаратилди. Бу янги Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатдаги асосий фалсафасидир: ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги шарт. Айнан шу сабабдан кейинги 7-8 йил давомида ислохотлар марказида оила институтини мустақамлаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлашдек эзгу мақсадлар муваффақ экани бежиз эмас. Бугун биз ушбу мақолаимиз орқали шу тарихий ўзгаришларнинг оилалар ҳаётига

қай даражада ижобий таъсир кўрсатаётгани, танланган йўлнинг нақадар тўғри ва ҳаётини эканини таҳлил қиламиз.

Жамият тафаккурини ислоҳ қилиш, аввало, унинг энг кичик, лекин жуда муҳим бўлинидан — маҳалладан ва оиладан бошлашни тарихий ҳақиқатдир. Сўнгги йилларда маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи тубдан оширилгани бу борада ислохотларнинг ўзгариш ташкил этди. Илгари кўпинча қоғозбозлик ва расмийчиликдан нарига ўтмаган бу тизим бугун чинакам халқчил тузилмага, давлат ва фуқаро ўртасидаги ишончли кўприкка айланди. Ҳаётта татбиқ этилган тизим — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқ ходими, ижтимоий ходим ва маҳалла банкиридан иборат гуруҳ маҳалланинг ҳар бир оила дарду ташвиши билан яшайдиган, муаммоларига ечим излайдиган тирик организмга айланишини таъминлади.

Бу тизимнинг кучи унинг комплекс ёндашувидадир. Тасаввур қилинг, бир оилада эр вақтинча ишсиз, шу сабабли оилада доимий келишмовчилик, рўзгорда етишмовчилик бор. Бу ҳолат хотин-қизлар фаолининг эътиборига тушади. У оила билан суҳбатлашиб, муаммонинг илдизини фақат руҳий зўриқишда эмас, балки иқтисодий қийинчиликда эканини аниқлайди. Шу заҳоти у ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилади. Ҳоким ёрдамчиси оила бошлиғига бўш иш ўринларини таклиф қилади ёки ўзини ўзи банд қилиши учун субсидия ажратиш масаласини кўриб чиқади. Агар оилада вояга етмаган, назоратсиз қолаётган фарзанд бўлса, бунга ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори жалб этилади. Ижтимоий ходим эса оилага давлат томонидан қандай ижтимоий нафақалар ёки моддий ёрдам кўрсатиш мумкинлигини ўрганади. Маҳалла банкири ўз ваколатлари бўйича таклифлар киритиб, мос равишда ечимлар тақдим этади. Солиқ ходими эса тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган оила аъзоларига солиқ имтиёзлари ва тартибларини тушунтиради. Шу тарика биргина оиланинг муаммоси мутахассисларнинг мувофиқлашган фаолияти орқали ҳал этилмоқда. Бу



муаммога қарши кураш эмас, балки инсонга, оилага ёрдам беришнинг том маънодаги янгича ва самарали фалсафасидир.

Ушбу борада шунчаки тасодифий учрашувлар орқали эмас, балки пухта режа асосида кечади. Маҳалла ходимлари мунтазам равишда йиғилиб, ўз ҳудудидаги хонадонларнинг “ижтимоий ҳаритаси”ни таҳлил қилади. Улар биргаликда “қизил” тоифага кирувчи, яъни энг оғир аҳволдаги, “сарик” тоифадаги — ёрдамга муҳтож ва “ашил” тоифадаги — иқтисодий барқарор оилаларни белгилаб олади. Шундан сўнг асосий эътибор “қизил” ва “сарик” рўйхатдаги оилаларга қаратилиб, улар учун алоҳида “йўл ҳаритаси”, яъни индивидуал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади. Бу дастурда оилани ҳар бир аъзосига оид аниқ вазифалар белгиланади: кимнидир касб-хунарга ўқитиш, кимгадир иш топиш, кимнидир саломатлигини тиклаш, фарзандларини боғчага

ёки тўғрақаларга жойлаштириш каби. Бу давлатнинг оилага ҳамхўрлиги энди умумий сўзлардан аниқ амалий ҳаракатларга ўтгани исботидир.

Мазкур тизимнинг афзаллиги шундаки, у энди муаммо пайдо бўлганидан кейин уни бартараф этиш билан эмас, балки муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш билан шуғулланмоқда. Маҳалла ходимлари кабинетда ўтириб фуқароларни қабул қилмайди, аксинча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини, ижтимоий портретини ўрганоқда. Айнан шу жараёнда ажрашиш ёқасига келиб қолган оилалар, нотинч муҳит ҳукм сураётган хонадонлар эътибордан четда қолмаяпти.

Илгари оиладаги келишмовчиликларга кўпинча “ички иш” сифатида қаралса, бугун маҳалла фаоллари, нурунийлар, тажрибали маслаҳатчилар бундай оилалар билан

“Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида кечаётган ислохотлар негизда аслида мана шу ҳақиқат ётибди. Чунки инсон қадри, аввало, ўз оиласида, маҳалласида, ватанида эъзоз топиши билан белгиланади. Оилалар бахтли ва фаровон бўлса, маҳаллалар обод ва тинч бўлади. Маҳаллалар обод бўлса, бутун мамлакат гуллаб-яшнайд. Демак, бугунги кунда мамлакатимизда оила масаласига давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида қараб келинаётгани биз танлаган йўлнинг нақадар тўғри эканидан далолат, десак асло адашмаган бўлаемиз.

тизимли ишламоқда. Хотин-қизлар фаоли аёлларнинг дардини тингласа, профилактика инспектори оилага ҳамхўрлиги энди умумий ҳоким ёрдамчиси эса оиладаги молиявий қийинчиликларини, ишсизлигини бартараф этишга кўмаклашади. Бу сазй-ҳаракатлар натижасида қанчадан қанча оилалар яраштирилимоқда, ажрашилариинг олди олинмоқда.


Сўнгги йилларда ажрашишлар сониди муайян барқарорлашув кузатилаётгани ана шу тизимли ишлар самарасидир. Албатта, ҳар бир ажрим — жамият учун фожа. Бироқ бугунги кунда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари фаолияти тубдан жонланди. Улар шунчаки насихатгўйликдан воз кечиб, низоининг асл сабабларини ўрганаётгани, томонларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатаётгани ушбу аҳамиятга эга. Энг катта ютуқ расмий статистикада акс этмаслиги мумкин бўлган, лекин маҳалланинг аралашуви билан никоҳи сақлаб қолинган, парокандаликдан қутқаришган минглаб оилалар, етимликдан асралган, ота-она бағрида камол топаётган бахтли болалардир.

Бу борада “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Ижтимоий ҳимоя ағона реестри” каби ноёб тизимларнинг аҳамияти бекиёс. Ушбу дафтарлар шунчаки рўйхат эмас, балки ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва моддий кўмакка муҳтож ҳар бир фуқаронга давлат ўз ҳимоясига олишининг амалий ифодаси. “Ағона реестр” орқали ҳар бир оиланинг эҳтиёжи аниқ баҳоланади, бунда инсон омили минималлаштирилиб, шаффофлик ва адолат таъминланади. Бу тизим кимгадир нафақа тайинлаш учун ўнлаб идоралардан маълумотнома йиғишдек сарсонгарчиликларга чек қўйди. Энди давлатнинг ўзи фуқаронинг кўмакка муҳтожлигини электрон базалар орқали аниқлаб, унга ёрдам таклиф қилмоқда. Бу “Давлат — инсон учун” тамойилининг амалдаги яққол кўринишидир. Ажрашиш ёқасига келиб қолган аёлга, агар унинг муаммоси моддий етишмовчилик билан

боғлиқ бўлса, тадбиркорлик қилиши учун имтиёзли кредит ажратилмоқда, касб-хунарга ўқитилмоқда. Бундан ташқари, “Аёллар дафтари” орқали оғир касалликка чалинган хотин-қизларнинг жарроҳлик амалиётлари учун ёрдамлар берилмоқда, ногиронлиги бўлган аёлларга реабилитация воситалари тақдим этилмоқда, боқувчисини йўқотган, уй-жойга муҳтож аёлларга уй-жойли бўлишга кўмаклашилмоқда. Ҳатто ажрашган, лекин собиқ турмуш ўртоғидан алимент ундиролмаётган аёлларга ҳам махсус ёрдамлар кўрсатилиб, алиментни ундиритишда ҳуқуқий кўмак берилмоқда. Бу чораларнинг барчаси аёлни ижтимоий муаммолар қаршидада ёлғизлатиб қўймаслик, унга куч ва ишонч бағишлашга қаратилган.

Бу тизимларнинг яна бир муҳим жиҳати улар оилаларнинг маийший муаммоларини давлат кўмаги билан ҳал этиш орқали ота-оналарга ўз фарзандлари тарбияси ҳақида жиддийроқ бош қотириш имконини бераётганидир. Илгари аскар ота-оналар учун фарзанднинг қорнини тўйдириш, уст-бошини бут қилиш биринчи даражали вазифа бўлган бўлса, бугун уларнинг иқтисодий ташвишлари енгиллашгани сари фарзандларининг замонавий билим олиши, касб-хунарга эгаллаш, иқтисодини рўёбга чиқариши ҳақида кўпроқ ўйлай бошладилар. Ҳоким ёрдамчиси кўмағида ажратилаётган субсидия эвазига тикув машинаси олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган ана энди топан даромадининг бир қисмини боласининг инглиз тили ёки ментал арифметика тўғрисида сарфламоқда. Илгари оила бюджетига қўшимча юк бўлиши мумкин бўлган спорт, мусиқа мактаблари, IT курсларга бўлган интилиш бугун оммавий тус олмақда. Нера? Чунки давлат оиланинг елкасидаги энг оғир юкни — эртанги кунга ишонсизлик, иқтисодий ноқуруқ юкни елкасидан олиб, шунчаки битта оиланинг эмас, балки бутун миллатнинг интеллектуал салоҳиятига қўшилаётган улкан ҳиссадир.

Оила мустақамлиги бевоисита таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Сўнгги йилларда кенг қўламда янги мактаблар, боғчалар, оилавий поликлиникалар ва шифохоналар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани аслида оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Фарзанди замонавий мактабда ўқиётган, яшаш жойининг ўзидида сифатли тиббий хизматдан фойдалана олаётган ота-онанинг кўнгли тўқ бўлади.



GAZETA DАGI MATERIALLARNI LOTIN ЁZUVIGA ASOSLANGAN ЁZBEK ALIFBOSIDA ЎQIШ UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят компьютер марказида сақланади.

Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.

34972 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова

Мусаххас: Шерзод Маҳмудов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри, Шайхисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:35 Топширилди — 00:45